

2014 йил январ-сентябр ойларининг яқунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 23 oktabr 2014 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/itogi20149>

2014 йилнинг 9 ойи яқунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" корхоналарида **1479** млрд. сўмлик товар маҳсулот (ўсиш суръати 104,1%) ҳамда **140,7** млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари (ўсиш суръати 129,5%) ишлаб чиқарилди.

Соф ҳолда **881,91** минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан **718,55** минг тонна азотли ўғитлар, **101,72** минг тонна фосфорли ўғитлар ва **61,64** минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2014 йил январь-июнь ойларида **153,5** млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (прогноз 98,8 млрд.сўм).

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари томонидан **58,12** млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз 101,1%-га бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан **143** млрд.сўмлик маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди (прогнозга нисбатан 103,2%).

468 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида **61** иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2014 йил январ-сентябр ойлари давомида **36,8** млрд.сўмлик агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан: **968,1** млн.сўмлик **69,8** минг тонна компост тайёрланди ва сотилди, **163** минг тонна органик ва **497,2** минг тонна минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. **1135,6** минг гектар пахта ва ғалла майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, 2 маротаба суспензия ҳамда **1136,8** минг пахта майдонларида дефолиация тадбирлари ўтказилди.

"Ўзкимёсаноат" ДАК матбуот хизмати